

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI

7 февраль, жума, 1997 йил
Соғула эриш нархда. № 27 (1544)

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИ



6 февраль куни Тошкентда Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда 1997 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, республика фонд биржаси фаолиятини такомиллаштириш ва фонд биржасида хорижий ин-

весторлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги мажлис кун тартибига қўйилган масалалар мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга моликдир, деди Президент. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилаб, мақсадларимизни яна бир қарра аниқлаб олиб ҳаракат қилишимиз лозим. Бу эса ислохотларнинг босиб ўтилган дастлабки

босқичларига назар ташлаши, хусусан, 1996 йил якунларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиши, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни бартараф қилиш йўллариини излашни тақозо этади. Чунки ислохотлар узлуксиз, мураккаб жараён-дир. Шу маънода жорий йил вазифаларини ўтган йиллардан ажратиб олиб алоҳида белгилаб бўлмайди.

Иқтисодиётни янги тизимга ўтказиш, бозор муносабатларини шакллантириш борасида эришилган энг катта натижа

-- бу одамлар онгида рўй берган ўзгаришдир, уларнинг меҳнатга, мулкка бўлган янгича муносабатидир, дея таъкидлади Ислам Каримов. Лекин ҳамон кўпчиликда, айниқса турли бўғин раҳбарларида англикни қабул қила билмаслик, боқимандалик кайфияти мажбуд. Биз бу сарқитлардан ҳалос бўлмас эканамиз, қўтилган натижаларга эриша олмаимиз.

Республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазири ўринбосарлари -- молия вазири Б. Ҳами-

президенти Чонг Хи Чу, «Файз» хиссадорлик жамияти бош директори М. Азимова мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бориши, уларни янада чуқурлаштириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиётни қарор топтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, одамлар онгида мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, боқимандалик кайфиятларига тезроқ барҳам бериш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари экани мажлисда таъкидланди.

Идоралараро кенгаш ва унинг комиссиялари таркибига қисман ўзгаришлар киритилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ё. Жалолов қатнашди.

(УЗА)

Суратларга А. ТУРАЕВ тасвирга олган.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 5 февраль куни АҚШ давлат котиби ўринбосари Робин Линн Рафэлни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ва Америка муносабатларидаги ўзаро ишонч тобора мустақамлашиб бораётганини қайд этар экан, Р. Рафэл хонимнинг бу борала алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

-- Биз Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор бераётгани ва минтақа хавфсизлиги бўйича мамлакатимиз илгари сураётган қўялар океан ортида кенг қўллаб-қувватланаётганини юқори баҳолайми -- деди Ўзбекистон раҳбари.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, сўнгги пайтларда Афғонистонда вужудга келган сиёсий вазият ҳамда бошқа минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стэнли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

Шу кунги АҚШ давлат котиби ўринбосари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Рафэл бўлиб, вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам музокара қилди. Ташқи ишлар вазири Рафэл қабулдан ўйинда эса Р. Рафэл хоним иштирокида маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

(УЗА)

СУРАТДА: қабул пайти. Р. ШАГАЕВ тасвирга олган.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Робин Линн Рафэл хонимнинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда. 5 февраль куни у Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюриб, мазкур олий ўқув юрти раҳбарияти ва талабалар билан учрашди.

Учрашувда Р. Л. Рафэл хоним Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожига ҳақида сўзлар экан, Президент Ислам Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи бу борала муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлади.

Р. Л. Рафэл хоним талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стэнли Эскудеро ҳозир бўлди.

(УЗА)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Хўжалик судларининг қарорлари тегишлича ижро этилиши учун давлат идораларининг, мулкчилик шакллари-дан қатъий назар, корхоналарининг, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳамда улардаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қарорлари қарздорнинг ҳисоб-китоб варағида бўш пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда банклар, солиқ идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз вақтида ижро этилиши лозим;

қарздорнинг ҳисоб-китоб варағида пул маблағларининг йўқлиги банк томонидан ҳужжат билан тасдиқланганлиги қарзни ундирувчи, шу жумладан солиқ идораси тўловни қарздорнинг мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш учун асос ҳисобланади.

2. Давлат Солиқ қўмитаси ва жойлардаги солиқ идоралари зиммасига давлат божини ва жазо жарималарини республика бюджетига даромадига ундириб олиш бўйича хўжалик судларининг қарорлари ижро этилишини ўз вақтида таъминлаш мажбурияти юклансин.

3. Хўжалик судлари прокуратура органлари билан биргаликда суд қарорларини қасддан бажармаслик фактлари бўйича айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 232-моддасида кўзда тутилган жавобгарлик қарорларини қўлласинлар, банк муассасаларига эса Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 112-

моддасига мувофиқ, ундириб олиниши лозим бўлган сумманинг 50 фоизи миқдоридан жарима солсинлар.

4. Хўжалик судларининг суд ижро-чиларига юқори солиқ органлари ва банкларнинг вакиллари билан биргаликда мансабдор шахслар томонидан суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилишини текшириш, қарздорларнинг шахсий ҳисобварақалари билан танишиш, қонунчиликда белгиланган тартибда қарздорларнинг мулкни рўйхатга олиш ва ундан фойдаланишни таъқиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири хўжалик судларининг суд ижрочилари зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда уларга зарур ёрдам кўрсатсин.

5. Олий хўжалик судига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси билан бирга бир ҳафта муддатда ушбу фармоннинг талабларига мувофиқ хўжалик судларининг қарорларини ижро этиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири хўжалик судларининг суд ижрочилари зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда уларга зарур ёрдам кўрсатсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Олий хўжалик судининг раиси М. Абдусаломов ва Бош прокурор Б. Мустафоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 5 февраль.

ШОНЛИ САНАЛАР ТАРАДДУДИ

Бу йил бетакрор тарихий обидалари билан бутун оламга доғ таратган Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллиги байрам қилинади. Бу саналар ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ҳам кенг нишонланади.

5 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирилик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашди.

Мажлисини республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси И. Жўраев бошқарди.

Мажлисида Бухоро ва Хева шаҳарларида юбилейга тай-

ёргарликнинг бориши, қадимий ёдгорликларни таъмирлаш ишларининг аҳволи, Париж, Бухоро ва Хева шаҳарларида ўтказилган юбилей тантаналарига ҳозирлик, кўргазмалар ташкил этиш, халқаро илмий конференциялар ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бухоро шаҳри ҳокими К. Камолов, Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Т. Дусочнов, маданият ишлари вазири Х. Жўраев, маданият ишлари вазирининг ўринбосари Б. Абдураҳимов, Ўзбекистон

СОҒЛОМ АВЛОД -- ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

Аёлнинг жамиятдаги ўрни бегиёс. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади.

Қарши шаҳрида ўтган «Аёл ва саломатлик» мавзудаги семинар-кенгашда ана шу ҳақда гап борди. Унда шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Қуя тартибдаги масала юзасидан Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова маъруза қилди.

Анжууманда хотин-қизларнинг оилада, жамиятда тутган ўрни, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, аёлларни ижтимоий ҳаётга янада фаолроқ жалб этиш учун кулай шароитлар яратиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кенгашда Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов сўзга чиқди.

(УЗА)

КОМПЬЮТЕРДА САҲИФАЛАРДА

Қашқадарё вилоят босма-хонасида газеталар компьютер ёрдамида тегишли ва саҳифаланиб, офсет усулида босила бошланди. Қуни- кеча илк бор «Соғлом авлод учун» ва «Камолот» жамғармалари нашри «Камолот» газетаси шу усулда чоп этилди.

(УЗА)

«АМБУЛАНС» ҲАМИША ЙЎЛДА

Наманган вилояти ҳокимлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш ишларини янада такомиллаштириш борасида тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унда 2000 йилга қадар амалга оширилиши

РЕСПУБЛИКА ШТАБИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводида мазкур корхона қурилиши бўйича республика штабининг йиғилиши бўлди. Унда фаолиятни завод қурилиши билан боғлиқ вазириликлар, концернлар, трестлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўраев бошқарди.

Завод қурилиши якунловчи босқичга киргани, уни шу йилнинг иккинчи чораги сўнггида ишга туширилиши мамлакатимизнинг ёнлиги мустақиллигини тўла таъминлашда муҳим қадам бўлиши йиғилишда алоҳида қайд этилди. Қурилишда январь ойи якунлари таҳлил этилиб, барча иншоотларда ишлар режадан ўзиб бажарилаётгани таъкидланди.

Айни вақтда баъзи қурилиш ташкилотлари, жумладан, «Самарқанд

жамоахўжаликқурилиш», «Қашқадарёжамоахўжаликқурилиш», «Ўзмонтажмахсукурилуш» жамоалари ишни белгиланган ҳадвал асосида ташкил этиб, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётгани танқид қилинди. Бу бораладаги ишларни ўнглаб олиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Февраль ойида бажариладиган ишлар кўлами белгилаб олинди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов қатнашди.

(УЗА)

мақсадида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Амбуланс» тиббий автомашинаси ҳамиша йўлда. Виллоят ҳокимининг қарори билан соғлиқни сақлаш тизими-га 10 донга «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам автомашинаси сотиб олиш учун маблағ ажратилди.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ЗАВОД ИШГА ТУШГАН

Қоровулбозорда қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини шу йилнинг июль-июль ойларида ишга тушириш мўжжалланган. Шу бос бугунги кунда мутахассислару ишчилар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу корхонада келгуси йили минглаб тонна

турди хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунинг ўзиёқ унинг республикамиз ҳалқ хўжалиги учун қанчалик аҳамиятда эканлигини кўрсатиб турибди.

Маннон ОТАВой,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁҚҚАНИГА БҲЮРТМА БЕРИШАДИ

Ўтган йили Риштон бадий кулолчилик буюмлари хиссадорлик жамиятидан ажралиб

чиққан «Усто Абдулло» корхонасида ҳалқ амалий буюмлари тайёрланади. Бу корхона йили 5 млн. сўмликдан зиёдорқ нафис ва бежирми кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан якунади. Маҳсулотларига буюртмачилар тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда корхонада кўргазма зали ташкил этилди. Бундан буён буюртмачилар аввал намойишта қўйилган маҳсулотлар билан танишиб, сўнг буюртма беришади.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "УМИД" ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Президент И. Каримовнинг 1997 йил 7 январдаги Фармонида мувофиқ Президентнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси тузилганлигини мамнуният билан маълум қилади.

Жамғарманинг асосий мақсадлари:

- таълим олишнинг устувор йўналишлари бўйича жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиш;
- бошқаришнинг замонавий усуллари ўрганиш, англаш ва эгаллаш;
- мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги иқтидорли ёшларга хорижда ўқиш учун адолат асосида тенг имкониятлар яратиш;
- ёшларнинг чет элда таълим олиш имкониятларини тубдан кенгайтириш ва шу мақсадда хориждаги энг обрўли таълим масканларини мустақил равишда танлаш;
- хорижда ўқишга ўз халқига фидойи, Президентимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган иқтидорли ёшларни йўллаш.

Жамғарма тузилиши билан:

- хорижий мамлакатларда иқтидорли ёшларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг устувор йўналишлари учун юксак малакали миллий кадрлар тайёрлашдек улғувор фаолиятнинг бошланишига асос солинди;
- хорижий тилларни биладиган истеъдодли ёшлар вакиллари АҚШ, Англия, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги дунёга таниқли ва машҳур ўқув юртларида жаҳон меъёрлари даражасида илмга эга бўлишлари учун Президент грантларини олишдек ҳали тарихимизда мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлдилар.

Таълимнинг асосий йўналишлари:

1. Иқтисодиёт
 - монетар сиёсат ва пул муомаласи;
 - тижорат банклари иши;
 - молияни бошқариш;
 - инвестиция ва қимматбаҳо қозғошлар бозори;
 - менежмент ва маркетинг.
2. Халқаро ҳуқуқ
 - халқаро сиёсий ва ҳуқуқий алоқалар;
 - халқаро молия ҳуқуқи;
 - халқаро тижорат ҳуқуқи.
3. Информатика ва компьютерлаштириш
4. Табiiй фанлар
5. Қишлоқ хўжалиги
6. Экология ва сув тизимларини бошқариш
7. Журналистика

Таълим қуйидаги шаклларда олиб борилади:

1. БАКАЛАВРЛИК -
олий ўқув юртлари дастури бўйича таълим (4 йилгача).
2. МАГИСТРАТУРА -
аспирантурага тенг келадиган таълим (2 йилгача).
3. ТАЖРИБА ОРТТИРИШ -
ёш мутахассисларнинг танлаган касби бўйича малакасини ошириш ва жаҳон меъёрлари даражасида тажриба ўрганиши (1 йилгача).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "УМИД" ЖАМҒАРМАСИ:

- ёшларнинг хорижий мамлакатларда таълим олиш ва яшаш сарф-харажатлари учун маблағ ажратишини **ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ**;
- ўқишни муваффақиятли тугатган ёшларни республиканинг устувор ҳисобланган иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида ишлаш учун йўллашни **КАФОЛАТЛАЙДИ**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "УМИД" ЖАМҒАРМАСИ:

- мамлакатимиз ёш фуқароларини ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишлари, республикамизни иқтисодий ривожланган, кучли демократик давлат сифатида юксалтириш йўлида ўз истеъдодларини рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар очилганлиги билан муборақбод этади;
- хорижий мамлакатларда Ўзбекистонни, унинг таълим мактаби ва илмий анъаналарини ўзига муносиб равишда кўрсата олиш, танлаган соҳасида замонавий билимларни эгаллаш, ўз истеъдодларини юксалтириш каби масъулиятли бурчларини шараф билан бажаришларида иқтидорли ёшларга **МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙДИ**.

Грант олиш истагини билдирувчи ёшларга асосий талаблар:

- элим деб, юртим деб, ёниб яшашни ўзининг ҳаётiiй эътиқоди ва бурчи деб билиш, ўз онгли ҳаётини миллий истиқлол гоёларига бағишлаш;
- умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида одоб-ахлоқ ва кенг дунёқарашга эга бўлиш;
- таълимнинг ўзи танлаган йўналиши бўйича чуқур билимларга эга бўлиб, камида бирорта хорижий тилни билиш.

Танловда қатнашиш учун керакли ҳужжатлар ва саралаш шартлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 45-57-40, 45-62-55.**

1997-1998 ўқув йилида бакалаврлик ва магистратура бўйича таълим олиш учун саралашда иштирок этишга ҳужжатлар 1997 йилнинг 10 мартига қадар қабул қилинади.

